

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**31** «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солигининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1912-1*

*(2010 йил 2 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 3 февралдаги 14, 2009-5-сонли «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солигининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус очиладиган ҳисобварағига ўтказиш ва уни ишлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1912, 2009 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 9-сон, 101-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 январь,  
4-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 январь,  
2010-3-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**31-32-моддалар**

**— 62 —**

**3-4 (399-400)-сон**

**Келишилди:**

*Ёз-мой ва озиқ-овқат  
саноати уюшмаси раиси*

*Р. БЎРИЕВ*

*2010 йил 18 январь*